

ПРОСТАТА БЕЗИНИНГ ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ҚОВУҚ ДЕТРУЗОР ВАЗНИНИНГ УРОФЛОУМЕТРИЯ КЎРСАТКИЧЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Саидахроп Кариев¹

Отабек Худойбердиев²

Саидазиз Кариев²

¹ТХКМРМ "Урология ва Андрология" кафедраси,

²Ибн Сино номли 1-сон ШКШ, Тошкент.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18897488>

Кириш:

Простата безининг хавфсиз гиперплазияси простата безининг хавфсиз гиперплазияси инфравезикал обструкциясига олиб келиши, қовуқ функциясига таъсир кўрсатади. Қовуқнинг компенсатор реакцияси сифатида детрузор мушаги гипертрофияси ва массасининг ошиши кузатилади. Урофлоуметрия сийиш жараёнини объектив баҳолаш усули бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари максимал сийиш тезлиги (Q_{max}), ўртача сийиш тезлиги (Q_{av}) ва максимал сийиш тезлигига эришиш вақти (tQ_{max}) ҳисобланади.

Мақсад:

Ушбу тадқиқотнинг мақсади простата безининг хавфсиз гиперплазияси ташхиси қўйилган беморларда қовуқ детрузор вазни ва урофлоуметриянинг асосий кўрсаткичлари (Q_{max} , Q_{av} , tQ_{max}) ўртасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Калит сўзлар: Простата безининг хавфсиз гиперплазияси, қовуқ детрузор вазни, урофлоуметрия, максимал сийиш тезлиги (Q_{max}), ўртача сийиш тезлиги (Q_{av}), максимал сийиш тезлигига эришиш вақти (tQ_{max}).

Материаллар ва усуллар:

Тадқиқотга простата безининг хавфсиз гиперплазияси ташхиси қўйилган 126 нафар беморнинг операциядан олдинги маълумотлари киритилди. Барча беморларда урофлоуметрия текшируви ўтказилган бўлиб, максимал сийиш тезлиги (Q_{max}), ўртача сийиш тезлиги (Q_{av}) ва максимал сийиш тезлигига эришиш вақти (tQ_{max}) аниқланган. Қовуқ детрузор вазни қовуқнинг умумий ва ички радиуслари асосида геометрик формулалар ёрдамида ҳисобланган (батафсил формулалар тезиснинг тўлиқ матнида келтирилади).

Натижалар:

Тадқиқотга киритилган беморларнинг ўртача ёши $67,3 \pm 8,2$ йилни ташкил этди. Операциядан олдинги ўртача кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: Q_{max} - $9,2 \pm 3,4$ мл/сек, Q_{av} - $5,8 \pm 2,1$ мл/сек, tQ_{max} - $8,5 \pm 3,1$ сек. Қовуқ детрузор массасининг ўртача кўрсаткичи $35,7 \pm 15,4$ граммни ташкил этди.

Корреляцион таҳлил натижалари шуни кўрсатдики:

- Қовуқ детрузор вазни ва максимал сийиш тезлиги (Q_{max}) ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли тескари боғлиқлик мавжуд ($r = -0,58$, $p < 0,001$).
- Қовуқ детрузор вазни ва ўртача сийиш тезлиги (Q_{av}) ўртасида ҳам статистик жиҳатдан сезиларли тескари боғлиқлик аниқланди ($r = -0,55$, $p < 0,001$).

- Қовуқ детрузор вазни ва максимал сийиш тезлигига эришиш вақти (tQ_{max}) ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли ижобий боғлиқлик кузатилди ($r = 0,49$, $p < 0,001$).

Бу натижалар шуни кўрсатадики, қовуқ детрузор вазни ошган сари максимал ва ўртача сийиш тезлиги пасаяди, максимал сийиш тезлигига эришиш вақти эса ортади, бу инфравезикал обструкциясининг кучайишини ва детрузорнинг компенсатор гипертрофиясини акс эттиради.

Хулоса:

Простата безининг хавфсиз гиперплазияси бўлган беморларда қовуқ детрузор вазнининг урофлоуметриянинг асосий кўрсаткичлари (Q_{max} , Q_{av} , tQ_{max}) билан сезиларли даражада боғлиқлигини кўрсатади. Қовуқ детрузор массасини аниқлаш урофлоуметрия натижалари билан биргаликда простата безининг хавфсиз гиперплазияси бўлган беморларда сийиш функциясининг ҳолатини баҳолаш, касалликнинг ривожланишини кузатиш ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилишда муҳим аҳамиятга эга.